Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 218 (21. 085) 1991 йил 12 ноябрь, сешанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

● Халқ—Демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилади, жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат қоидалари асосида барпо этиш ғояларига содиқ бўлиб қолади.

(Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низомидан).

● Қурултой барча илғор ва демократик фикрловчи кишилар, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалловчи равнақ топган мустақил давлат сифатида қарор топишига ҳисса қўшишга интилаётган ватанпарварлар учун Ўзбекистон Халқ—Демократик партияси очиқ деб эълон қилади.

(Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойининг қароридан).

I.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси (Ўзбекистон ХДП) ўз аъзоларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи республика сиёсий ташкилотидир. Унинг бош мақсади—Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлашдан иборат. Партия мустақил Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллайдиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясини тан оладиган ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳаракат қиладиган демократик ҳуқуқий давлат сифатида қарор топтиришга эришиш ниятидадир.

Партия тарихан таркиб топган халқ демократик анъаналарига, умуминсоний қадриятларга, аҳлоқ ва инсонпарварлик қоидаларига, ватанимиз ва жаҳон илғор тафаккурининг ютуқларига асосланиб, меҳнат аҳлини, уларнинг ижтимоий аҳволидан, насл-насабидан, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси сиёсий усуллар билан жамиятни бирлаштиришга ҳаракат қилади; республикада яшовчи барча халқларнинг миллий анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш асосида шовинизм ва миллатчиликни, миллатлараро ва ижтимоий можароларнинг авж олдирилишини қатъиян рад этади.

Халқ-Демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари доирасида ҳаракат қилади, жамиятни сиёсий ва иқтисодий эркинлик, демократия, тенглик ва ижтимоий адолат қоидалари асосида барпо этиш ғояларига содиқ бўлиб қолади.

1. ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА АЪЗОЛИК

1. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган, партиянинг дастурий мақсадларини тан оладиган ва унинг Низомини бажарадиган, партияни моддий маблағ билан мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб турадиган фуқароси Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясида ягона партия билети амал қилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, виждон эркинлигини, даҳрий ёки диндор бўлиш ҳуқуқини чекламайди. Унинг аъзоси бошқа сиёсий партияларда бўлиши мумкин эмас.

2. Партиянинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидир. Улар:

— ўз нуқтаи назарларини эркин баён этиш, партия сиёсати ва унинг ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш ва муҳокама қилиш, шу масалалар юзасидан қарорлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

— партия органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

— барча поғоналардаги ваколатли ҳокимият органларига сайланиш учун партиядан номзод этиб кўрсатилиш;

— ҳар қандай партия органига ва партиянинг ҳар қандай аъзосига баҳо бериш, уларни танқид қилиш;

— ҳар қандай партия органига ариза ва таклифлар билан мурожаат этиш ва ундан жавоб олиш;

— фоалияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Низоми қоидаларига зид бўлмаган оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда ҳаракатларининг ишида қатнашиш;

— бошланғич партия ташкилоти билан келишган ҳолда ўзининг партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқига эгадирлар.

2.

Партия ташкилотлари ва партиянинг сайланадиган органлари:

— барча партия ташкилотларида партиявий ўртоқлик муносабатларини таъминлашлари, партия аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари;

— партия аъзоларининг ижтимоий ва қонун рухсат этган бошқа фаолиятига сиёсий мададни таъминлашлари;

— партия аъзоларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилган тақдирда уларнинг шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилишлари шарт.

3. Партия аъзоси:

— партия қарорларини, агар улар партия Дастури ва Низомига зид бўлмаса, бажаришга;

— ўзи танлаган бошланғич партия ташкилотларидан бирининг ҳисобида туришга, унинг ишида қатнашишга ёки ўзгача тарзда партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда кўмаклашишга, унинг жамиятдаги обрў-эътиборини мустаҳкамлашга ва таъсирини кучайтиришга эришиш учун ҳаракат қилишга;

— барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий анъаналарига, тарихий ва маданий меросига, тилига ҳурмат билан муносабатда бўлишга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш тўғрисида бутун чоралар билан ғамхўрлик қилишга;

— шахсий намуна билан ижтимоий ахлоқ ва маънавий қадриятларни қарор топтиришга;

— партияга аъзолик бадалларини мунтазам тўлаб туришга мажбурдир.

4. Партия аъзолигига қабул қилиш унга кирувчининг аризасига биноан якка тартибда амалга оширилади.

Партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида ҳал қилинади ва йиғилишда ҳозир бўлган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий ва узил-кесил деб ҳисобланади.

Ўзларининг дастурий мақсадларига кўра Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига яқин бўлган бошқа сиёсий партияларнинг аъзолари уларнинг таркибидан чиққанларидан кейин ХДП аъзолигига умумий асосларда қабул қилинадилар. Бунда бошланғич партия ташкилотининг қарори билан уларнинг бошқа сиёсий партияларда бўлган вақти партия стажига тўла-тўкис қўшиб ҳисобланиши мумкин.

Кўп йиллик партия стажига эга бўлган партия аъзоларига, бошланғич партия ташкилотининг қарорига биноан «Ўзбекистон ХДП фахрийси» деган унвон берилиши мумкин. Ушбу унвон билан тақдирлаш «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган махсус Низом асосида амалга оширилади.

5. Бошланғич партия ташкилотлари ва барча поғоналардаги партия органлари партия интизомини ва ижтимоий ахлоқ нормаларини бузганлиги учун партия аъзоларига нисбатан коллектив равишда муҳокама қилиш ва ўртоқларча танқид шаклида партиявий тарбия чораларини кўришлари мумкин.

Бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП Низоми талабларига мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва ҳулқ-атвори учун партия аъзосини унинг сафидан чиқариши мумкин. Бу ҳақдаги қарор партия ташкилоти йиғилишида қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи партия аъзоларининг ярмидан кўпроғи шу қарорни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Партиядан чиқарилган киши уч ой мобайнида юқори партия органларига шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. Шикоят аризаси тушган кундан бошлаб кўпи билан икки ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Узрли сабабсиз аъзолик бадалларини тўламаган партия аъзоси тўғрисидаги масала бошланғич партия ташкилотида кўриб чиқилиши лозим. Агар партия аъзосининг партия билан алоқани узганлиги аниқланса, у ҳолда унинг партияга аъзолигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Партияга аъзолик партия аъзосининг ихтиёрий равишда партия сафларидан чиқиш тўғрисидаги аризасига биноан ҳам тўхтатилади.

II. ПАРТИЯНИНГ ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

6. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экология ва бошқа дастурларини ишлаб чиқиб ҳамда уларни жамиятга таклиф этиб, бошқа ижтимоий сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий етакчиликка эришиш учун ҳаракат қилади.

У барча даражадаги ваколатли ҳокимият органларига сайлов чоғида ўз номзодларини қонунда белгиланган тартибда кўрсатади, уларнинг халқ томонидан қўллаб-қувватланишига ва сайланишига эришиш учун ҳаракат қилади. Партиядан кўрсатилган ҳар бир номзод, ўзи сайланганидан кейин бирон-бир сабабга кўра Ўзбекистон ХДП сафларидан чиққан тақдирда, истеъфо тўғрисида тегишли ваколатли органга илтимоснома тақдим этиш ҳақида у, уни номзод қилиб кўрсатган партия ташкилоти ёки партиянинг раҳбар органига виждонан ваъда беради.

7. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ўзининг сиёсий йўлини давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқарув жамоат органларига сайланган партия аъзолари орқали ўтказади, улар орқали қонунда белгиланган тартибда, қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига доир таклифларни киритади.

Партия аъзолари бўлган депутатлар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш учун ваколатлари даврида сайланади-

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ—ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИНГ ҚАРОРИ

Қурултой Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясини тузиш ғоясини, унинг дастурий мақсадлари ва вазифаларини республика аҳолисининг турли табақалари қўллаб-қувватлаётганликларини қайд этади. Партиянинг ўз амалий фаолиятида халқ анъаналарига таяниш, инсонпарварлик ва аҳлоқ, ижтимоий адолат қоидаларини қарор топтириш, меҳнат аҳли ва ижтимоий жиҳатдан ночор табақалар манфаатларини ҳимоя қилиш муддаоси маъқуллаб кутиб олинди.

Республика фуқаролари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришишга, инсонлар фаровонлигини оширишга, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни қарор топтиришга, эркин, демократик ва равнақ топувчи жамиятни барпо этишга қаратилган мақсадни қўллаб-қувватламоқдалар. Улар бундай жамиятда барча фуқароларнинг ҳуқуқлари, уларнинг миллатидан, ижтимоий аҳволидан, дини ва сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, ҳимоя қилинишига ишонч билдирмоқдалар.

Фақат умуминсоний маънавий қадриятларга, халқ анъаналари ва бирлигига таянган тақдирдагина ҳозир жамият тушиб қолган чуқур тангликдан муваффақиятли равишда қутилиш, демократик ўзгартишларни янада мустаҳкамлаш йўлига ўтиб олиш мумкин.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси сафларига 345 мингдан кўпроқ киши аъзо бўлиб кирди ва бу жараён давом этмоқда. Қурултой барча партия аъзолари ва ташкилотларининг хоҳиш-иродасини ифода этиб, фаолият мазмуни ва шаклларига кўра, янги сиёсий ташкилот — Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси (Ўзбекистон ХДП)ни таъсис этади.

Қурултой Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастурини қабул қилади ва Низомини тасдиқлайди, Булар эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ қурултой Марказий Кенгашнинг Сиёсий Ижроия Комитетига Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низомини рўйхатга олиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ваколатларини беради, унга зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни Адлия вазирлигига тақдим этиш вазифасини топширади.

Қурултой Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таъсис қурултойини тайёрлаш учун жойларда тузилган муваққат ташкилий комитетларига Низомда кўзда тутилганидек, бир ой муддат ичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия ташкилотларининг сайланадиган органларини тузиш вазифасини топширади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Сиёсий Ижроия Комитети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия Кенгашларининг ижроия бюролари сайланадиган органларининг ишчи аппарати тузилмаси ва вазифаларни кўриб чиқишлари ҳамда 1991 йилнинг 1 декабрига қадар уни тузишни асосан ниҳоясига етказишлари зарур.

Сиёсий Ижроия Комитет икки ой муддат ичида ягона партия билетини жорий этиш масаласини ҳал қилиши, Низомнинг айрим қоидаларини қўллаш тартибини белгиловчи ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва уларни Марказий Кенгашга тасдиқлаш учун тақдим этиши керак.

Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойида молиявий ва мулкий масалаларда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси унинг ҳуқуқий вориси деб эълон қилинганлигидан келиб чиқиб, қурултой Марказий Кенгашга мазкур масалаларни тегишли комиссияларни тузиб, амалга оширишни топширади.

Сайланадиган органлар ва бошланғич партия ташкилотлари аъзолик бадалларини тўплашда тегишли тартибни таъминлашлари, партиянинг молиявий аҳволини ҳар томонлама мустаҳкамлашга эришишлари лозим.

Қурултой Марказий Кенгашининг Сиёсий Ижроия Комитети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия Кенгашларининг ижроия бюролари давлат ҳокимияти ва жамоат ўзини ўзи бошқариш органларида партиянинг сиёсий йўлини рўёбга чиқариш, унинг Дастуридан келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий ва бошқа вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон ХДПга аъзо бўлган депутатлар орасидан барча даражалардаги халқ депутатлари кенгашларида зудлик билан партия гуруҳлари, фракцияларини тузишга киришишларини зарур деб ҳисоблайди.

Қурултой Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва район партия ташкилотларига Таъсис қурултойининг қарорлари, унда қабул қилинган Дастур ва Низом асосида Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига янги аъзоларни жалб этиш борасидаги ишларни давом эттириш, бу муҳим ишда расмиятчиликка йўл қўймаслик, вазминлик ва талабчанлик билан ёндашиш, партиянинг обрў-эътибори ва омма ўртасидаги таъсири тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиш керак, деб ҳисоблайди. Республика Халқ-Демократик партиясининг бунёдкорлик мақсадлари ва вазифаларини тарғиб этиш, Ўзбекистон ХДП ҳақида жамоатчиликнинг тўғри, холисона фикрини вужудга келтириш унинг сайлаб қўйиладиган барча органлари ва ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

Қурултой барча илғор ва демократик фикрловчи кишилар, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалловчи равнақ топган мустақил давлат сифатида қарор топишига ҳисса қўшишга интилаётган ватанпарварлар учун Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси очиқ деб эълон қилади.

Қурултой маслакдошларни, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларини инсонпарварлик, демократия, меҳнат аҳлининг фаровонлигини ошириш ҳамда сиёсий ва иқтисодий эркинлик, тенг ҳуқуқлилик ва ижтимоий адолат жамиятини барпо этиш йўлида миллатлараро тотувликни жорий этиш қоидаларини қарор топтириш мақсадида бирлашишга ва фаоллик кўрсатишга даъват этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов днёримиз меҳмонлари билан эсдалик совғаларини кўздан кечирмоқда.

В. МИЛЕНЬКИЙ олган сурат (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Италия, Нидерландия ва Швециянинг фавқулодда ва мухтор элчилари Фердинандо Саллео, Йори Михаэл Вос ҳамда Эрянь Бернерни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида И. А. Каримов элчиларни мустақил Ўзбекистон Республикасига келганлари билан табриклади. Меҳмонларга республикадаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият ҳақида сўзлаб берилди, ҳозир Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилаётганлиги таъкидланди. Улар ҳозир республика олдида турган муҳим ва улкан муаммоларни биргаликда ҳал қилмоқдалар. Меҳмонларга республиканинг табиий бойликлари, республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида ахборот берилди.

Суҳбатда ёшлар муаммолари, сув ресурсларидан фойдаланиш, Орол бўйида экология фалокати оқибатларини бартараф этиш, Орол тақдирини ҳал қилиш тилга олинди.

Суҳбат чоғида меҳмонлар ўзбек халқининг қадимий маданияти тарихи билан таништирилди. Ўзбекистон Улуғбек, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино, ал-Хоразмий каби бутун дунёга машҳур буюк мутафаккирлар ватанидир. Бу йил буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги нишонланди. Меҳмонларга республикада илмий салоҳиятнинг ҳозирги тараққиёти ҳақида сўзлаб берилди.

Бозор муносабатларига ўтиш каби мураккаб муаммога алоҳида эътибор берилди. Бозор муносабатларига ўтиш чоғида республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги таъкидланди. Республика аҳолисининг ярмидан кўпроғи қишлоқликда яшаётган шароитда нарх-навонинг ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Суҳбатда хусусийлаштириш бозорга ўтишнинг муҳим жиҳати бўлиши лозимлиги таъкидланди.

— Биз ўз мустақиллигимизни эълон қилдик, —деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти, — лекин Иттифоқ таркибидан чиқмоқчи эмасмиз. Биз республикалар ўртасида ўзаро алоқалар фаол ўрнатилиши ва ривожланишини хоҳлаймиз. Барча мустақил республикалар ўз масалаларини ўзлари ҳал қилишсин, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан мустақил алоқа ўрнатишсин.

Ўзбекистон билан Италия ўртасида иқтисодий алоқа ўрнатиш, шунингдек элчилари суҳбатда қатнашган мамлакатлар матбуотининг Тошкентда ваколатхоналарини очиш истаги айтилди.

Меҳмонлар самимий кутиб олганлиги ва дилдан суҳбатлашганлиги учун Президентга миннатдорчилик билдирдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсандов, Ўзбекистон Давлат ташқи савдо алоқалари комитети раиси У. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари М. М. Орифжонов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

3.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ — ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ган тегишли ҳокимият органларида Ўзбекистон ХДПнинг партия гуруҳлари, фракцияларига бирлашадилар ва ўз парламент фаолиятлари хусусида ана шу органларга тобедирлар. Партия аъзолари раҳбар партия органларидан мустақил бўлган, аммо Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси номидан ҳаракат қиладиган гуруҳлар ёки фракцияларни тузиши мумкин эмас.

Партия гуруҳлари, фракциялари партия қурултойлари ва конференцияларининг қарорларига амал қиладилар, сайланадиган тегишли партия органларининг тавсияларини эътиборга оладилар. Муҳим сиёсий масалалар бўйича нуқтаи назарларини келишиб олиш учун сайланадиган тегишли партия органлари билан сайланадиган ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари, фракцияларининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин. Партия гуруҳлари, фракцияларининг аъзолари тегишли ҳокимият органларида овоз бериш чоғида биргаликда ишлаб чиқилган нуқтаи назарларга амал қиладилар.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги партия гуруҳи, фракцияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Олий Кенгаш ваколатлари даврида унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот партия қурултойи томонидан тингланиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари, фракциялари бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан ҳамкорлик қилишлари ёки ижобий оппозицияда бўлишлари мумкин.

8. Партиянинг бошланғич ташкилотлари ва сайланган партия органлари партиянинг сайловолди ҳаракат дастурини амалга ошириш мақсадида ўз вакилларини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларидаги муайян лавозимларга тавсия этишлари мумкин ва сайланадиган ҳокимият органларига тегишли партия гуруҳлари, фракциялари орқали уларнинг сайланишига ёки тайинланишига эришиш учун ҳаракат қилади.

III. ПАРТИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

9. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ташкилий муштараклик ва партиявий ўртоқлик қоидаларига мувофиқ яшайди ва ҳаракат қилади. Бу қоидалар:

— партия ташкилотларининг ўзини-ўзи бошқаришини ва уларнинг иштирокида жамоатчилик тарзида ишлаб чиқилган сиёсатни турмушга татбиқ этишда улар ҳаракатининг бирлигини;

— қуйидан юқоригача партиянинг барча органлари сайлаб қўйилишини;

— партия органлари ва уларнинг аъзолари уларни сайлаган ташкилотлар олдида ҳисобот беришларини;

— ишда ошкоралик, рўй-ростлик ва ҳамжиҳатликни;

— фикр билдиришда эркинликни, турли қарашларни таққослашни, ошкора танқид ва ўзини-ўзи танқидни;

— шахсга нисбатан зўравонлик, унга мулкий, маънавий ва жисмоний зиён етказиш истисно қилинишини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси қоида тариқасида ҳудудий асосда тузилади. Бунда бошланғич партия ташкилотларини ҳудудлар бўйича район, шаҳар, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар партия ташкилотларига бирлаштириш кўзда тутилади.

11. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча ташкилотлари ушбу Низом доирасида ва ўзларига тааллуқли партия қарорларини бажаришда юқори партия органлари олдида ҳисоб бериб турилишига риоя этилган ҳолда ўзларининг ички турмуши ва фаолиятини уюштиришда мустақилдирлар.

12. Умумий йиғилиш, конференция, қурултой партиянинг раҳбар органларидирлар. Улар партия ташкилотлари аъзоларининг ярмидан кўпроғи ёки сайланган делегатларнинг учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўладилар.

Раҳбар партия органлари ижроия органларини (партия ташкилотларининг кенгашларини, ижроия бюроларини) ва тафтиш комиссияларини сайлайдилар ҳамда уларга зарур ваколатлар берадилар.

Ижроия органлар ва тафтиш комиссияларининг, сайланадиган тегишли ҳокимият органларидаги партия гуруҳлари, фракцияларининг конференция, қурултой делегатлари этиб сайланмаган аъзолари маслаҳат овози ҳуқуқи билан уларнинг ишида қатнашишлари мумкин.

Тафтиш комиссиялари партияга аъзолик бадаллари қай тарзда тўланаётганлигини назорат қиладилар, партия ташкилотлари ва муассасаларининг партия бюджети ижросини ҳамда молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этадилар, конференция, қурултой тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ бошқа назорат ишлари ва ваколатларини амалга оширадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида тегишли партия ижроия органининг аъзолари бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

13. Партия ташкилотлари, сайланадиган органлари ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал қилиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларнинг улар ишида қатнашишининг Низомга хилоф бўлмаган ҳар қандай шаклларидан фойдаланишлари мумкин.

Партия аъзоларининг ёки раҳбар ва ижроия партия органларининг ташаббуси билан партия клублари, назарий семинарлар, сиёсий марказлар ҳамда қизиқиш ва муаммовий, шу жумладан, касб-кор бўйича ҳам бирлашишнинг бошқа шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Улар партиянинг таркибий тузилмалари бўлмай, партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланиб, турли масалаларни муҳокама қиладилар ва улар хусусида ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқадилар, ҳар қандай поғонадаги партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари муҳокамасига таклифлар ва лойиҳалар киритадилар.

14. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг барча органлари сайлаб қўйилади. Улар йиғилишларда, конференцияларда, қурултойларда бевосита ёки белгиланган миқдор (квота)да қуйи партия ташкилотлари томонидан сайланадилар. Ана шу партия ташкилотлари ушбу вакиллараисини сайлайди. У Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси этиб сайлаш учун номзод бўлади.

26. Конференциялар оралиғидаги даврда кенгаш тегишли партия ташкилотининг манфаатларини ифодалайди, конференцияларнинг ва юқори партия органларининг қарорлари бажарилишини ташкил этиб, ўзига ҳисобот бериб турувчи органларнинг ишига раҳбарлик қилади. Кенгаш қуйи ташкилотларнинг сайлаб қўйилган ҳокимият ва ўзини ўзи бошқарув жамоат органларида партия гуруҳлари, фракцияларининг кундалик фаолиятини мувофиқлаштиради.

Кенгаш ўз пленумида ўзининг таркибидан кенгаш секретарларини ва ижроия бюросининг бошқа аъзоларини беш йил муддатга сайлайди. Ижроия бюронинг ваколатларини ва ишининг асосий йўналишларини белгилайди. Унинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг сайланадиган тегишли ҳокимият органидаги партия гуруҳи, фракциясининг иши тўғрисидаги ахборотларни ҳар йили тинглаб туради.

Кенгаш пленумлари заруратга қараб, аммо камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларининг ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ваколатга эга бўлади.

27. Ижроия бюро тегишли кенгашнинг қарорлари бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда қуйи ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, кенгашнинг ишчи аппаратига бевосита раҳбарлик қилади.

ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ВА МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

28. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойи унинг олий органидир. Навбатдаги қурултойлар партиянинг Марказий Кенгаши томонидан камида беш йилда бир марта, одатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари сайлови ўтказиладиган сайлов кампанияси бошланишидан олдин чақирилади. Марказий Кенгашнинг қурултойини чақириш, унинг кун тартиби ва вакиллик нормаси тўғрисидаги қарори қурултойга камида икки ой қолганида эълон қилинади.

Партиянинг навбатдан ташқари (фавқулодда) қурултойи Марказий Кенгашнинг ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бирлаштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чақирилади. Бу ҳолда қурултой Марказий Кенгаш томонидан бир ой муддат ичида чақирилади ва унда барча партия аъзоларининг камида ярмининг вакиллиги таъминланган тақдирда тегишли ваколатга эга бўлади.

29. Партиянинг Марказий Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Бу орган асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари белгиланган тенг миқдорда унинг таркибига сайлаган вакиллардан иборат бўлади.

Марказий Кенгашга сайлаш учун белгиланган миқдор Қорақалпоғистон Республикаси, областлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари билан келишилган ҳолда партия қурултойини чақириш тўғрисидаги қарори қабул қилиш билан бир вақтда пленум томонидан тасдиқланади.

30. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг қурултойи:

— делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибини белгилайди, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлайди;

— Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан партиянинг нуқтаи назарини ишлаб чиқади, Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастурини, сайловолди платформаси ҳамда бошқа дастурий ва сиёсий ҳужжатларини қабул қилади, уларни қайта кўриб чиқади ва ўзгартиради;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Низомини қабул қилади, зарур ҳолларда уни қайта кўриб чиқади, ўзгартишлар, қўшимчалар ва аниқликлар киритади, бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда Низомни рўйхатга олувчи ҳуқуқий органларни хабардор қилиб қўяди;

— Марказий Кенгашга беш йил муддат билан зарур ваколатлар беради, унинг аъзоларини ва партиянинг Марказий Тафтиш комиссияси, қурултой сайлайдиган бошқа органлар ҳамда шахсларнинг ҳисобот ва маърузаларини, республика Олий Кенгашида Ўзбекистон ХДП партия гуруҳи, фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

— Марказий Кенгашнинг тақдимига мувофиқ партиянинг байроғи, нишони ва вимпелларини унинг рамзи сифатида тасдиқлайди;

— партиянинг раисини сайлайди, айни вақтда уни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлаш учун номзод қилиб кўрсатади.

Қурултой қарорлари партиянинг барча аъзоларига етказилиши шарт.

31. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг раиси унинг раҳбари сифатида қурултойлар ҳамда умумпартия конференцияларининг ишини бошқаради ва партия қурултойига ҳисобот бериб туради. У мазкур лавозимга кўпи билан сурункасига икки йил муддатга сайланади.

Партия раиси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига унинг расмий номзоди ҳисобланади ва ана шу лавозимга сайланган тақдирда партиянинг раҳбари бўлиб қолаверади. Партия ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органлари унинг сиёсий фаолияти қўллаб-қувватланишини таъминлайдилар.

32. Қурултойлар оралиғидаги даврда Марказий Кенгаш партия сиёсати ва амалий фаолиятининг етилган масалаларини муҳокама қилиш учун умумпартия конференциясини чақириши мумкин.

Конференция партия Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссиясининг иши тўғрисида уларнинг ҳисоботларини тинглаш, Марказий тафтиш комиссияси таркибига қисман ўзгартишлар киритиш, партиянинг дастурий ҳужжатлари ва Низоми доирасида унинг учун бошқа мажбурий қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

33. Қурултойлар ва умумпартия конференциялари оралиғидаги даврда партия Марказий Кенгаши:

— қурултойлар ва умумпартия конференцияларининг қарорлари бажарилишини ташкил этади, партия барча бўғинлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида Ўзбекистон ХДП партия гуруҳи, фракциясининг жорий ишларини мувофиқлаштиради;

— ўз пленумида ўзининг таркибидан Марказий Кенгашнинг Сиёсий Ижроия Комитетини, шу жумладан Марказий Кенгашнинг биринчи секретари ва секретарларини беш йил муддатга сайлайди;

— Сиёсий Ижроия Комитет ваколатларини ва унинг асосий иш йўналишларини белгилайди;

— ҳар йили Сиёсий Ижроия Комитетининг иши тўғрисидаги ҳисоботларни ва Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг республика Олий Кенгашидаги партия гуруҳи фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларини тинглайди;

— бошқа партиялар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, жумладан, чет эллардаги шундай ташкилот ва ҳаракатлар билан бўлган муносабатларда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг вакиллигини таъминлайди;

— партиянинг муассасаларини, корхоналарини ташкил этади ва уларнинг фаолиятини назорат қилади;

— партия корхоналари ва муассасаларининг, ижтимоий-сиёсий муаммолар институтининг раҳбарларини, партия оммавий ахборот воситаларининг муҳаррирларини тасдиқлайди;

— Низомнинг айрим нормаларини қўллаш тартибини аниқлаб берадиган қоида ва усулларга оид ҳужжатларни тасдиқлайди;

— Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси қурултойи ёки умумпартия конференцияси унга берадиган бошқа раҳбарлик ваколатларини амалга оширади.

Марказий Кенгашнинг пленумлари заруратга қараб, аммо камида ҳар ярим йилда бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга бўлади.

34. Сиёсий Ижроия Комитет Марказий Кенгаш пленумлари оралиғидаги даврда Марказий Кенгаш қарорлари доирасида кундалик сиёсий ва ташкилий масалаларни ҳал этади, унинг ишчи аппаратига раҳбарлик қилади. Сиёсий Ижроия Комитет ишини биринчи секретарь у бўлмаганда Марказий Кенгаш секретарларидан бири олиб боради.

Сиёсий Ижроия Комитетининг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва унинг аъзоларидан ярмидан кўпроғи қатнашган тақдирда тегишли ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

35. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Марка-

4.

ларни чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Партия йиғилиши, конференцияси, қурултойининг, сайланадиган органининг ихтиёрига кўра, овоз бериш яширин ёки очиқ бўлиши мумкин.

Партия аъзолари сайлов чоғида номзодларни чекланмаган миқдорда, шу жумладан, ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

15. Партия органларининг таркиби тегишли ташкилот аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи ташкилотларининг талабига мувофиқ ёки сайланган органнинг айрим ёҳуд барча аъзоларининг ихтиёрий равишда истеъфо бериш тўғрисидаги аризасига биноан уларнинг ваколат муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўкис қайтадан сайланиши мумкин.

16. Партия ташкилотлари ва сайланган органларида кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор барча учун мажбурийдир. Озчилик ўз нуқтаи назарини раҳбар ва ижроия партия органларида, оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилиш, қўшимча маърузалар билан чиқиш, ўз фикрини баённоналарда қайд эттириш, баҳсли масалаларнинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Партия ташкилотлари ва уларнинг сайланадиган органлари томонидан қабул қилинган қарорлар партиянинг дастурий мақсадлари ва Низомига зид бўлмаса улар партия юқори органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустаснодир.

17. Партиянинг сайланадиган органлари асосан жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар ўз ваколатлари даврида ўзларига бўйсунадиган меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини тузишлари мумкин. Бу аппарат уларнинг фаолиятини ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, социологик-башорат тадқиқотлари ўтказиш, ташкилий ишлар ва маслаҳатлар хизмати билан таъминлайди.

18. Партия ташкилотлари ва сайланадиган органлари ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этишлари ёки таъсис этувчиларининг шериклари бўлишлари мумкин.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

19. Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг негизи ҳисобланади. Улар ташкилотга бирлашишни истовчи камида 5 нафар партия аъзоси бўлган тақдирда, одатда, район, шаҳар ҳокимияти (ўзини-ўзи бошқариш) органларига сайлов ўтказувчи бир ёки бир қанча сайлов округи доирасида тузилади ҳамда тегишли район, шаҳар ташкилоти кенгашининг ижроия бюроси томонидан рўйхатга олинади.

Амалдаги қонунларга хилоф бўлмаган жойларда бир корхонада, ишлаб чиқариш бирлашмасида, хўжалик, муассаса, ташкилотда ишловчи партия аъзоларини бирлаштирадиган ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари тузилади.

Амалдаги қонунга мувофиқ партия тузилмаларини ташкил қилишга йўл қўймайдиган корхоналарда, ташкилотлар ва муассасаларда ишловчи партия аъзолари ҳудудий партия ташкилотларининг бирида ҳисобда турадилар ва ўзларининг партиявий бурчларини иш (хизмат) жойидан ташқарида ишдан бўш вақтларида бажарадилар.

Ҳудудий ва ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари сайловини ўтказувчи сайлов округлари доирасида ҳудудий округ гуруҳларига бирлашишлари мумкин. Мазкур гуруҳларнинг ишини тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг ижроия органлари мувофиқлаштириб турадилар.

Бошланғич партия ташкилоти ўз таркибида цех партия ташкилотларини ёки партия гуруҳларни тузиши, ўз йиғилишининг қарорига мувофиқ уларга партияга аъзолик билан боғлиқ бўлган масалаларда бошланғич ташкилот ҳуқуқини бериши мумкин.

20. Бошланғич партия ташкилотлари ўзларининг ички турмушларига доир масалаларни мустақил ҳал қиладилар. Улар ҳар қандай партия органининг қарорига ўз муносабатларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу партия органларининг масаланинг моҳияти юзасидан жавоб қайтаришга мажбурдир.

Бошланғич партия ташкилотлари партия сиёсатини тарғиб қиладилар ва тушунтира борадилар, партия қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этадилар, партия аъзолари бўлмиш халқ депутатларининг аҳоли ўртасида олиб борадиган ишларида уларнинг таянч бўғинлари ҳисобланадилар.

21. Умумий партия йиғилиши бошланғич, цех партия ташкилотининг раҳбар органи ҳисобланади. Йиғилиш заруратга қараб, аммо камида ҳар кварталда бир маротаба ўтказилади. Умумий йиғилиш ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда цех ташкилотлари ёки партия гуруҳларида ягона кун тартиби билан конференция ёки йиғилишлар ўтказилиши мумкин.

Жорий ишларни олиб бориш учун бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилиши (конференцияси) ижроия бюрони ва унинг секретарини ёки секретарь ва унинг ўринбосарини икки—уч йилга сайлайди, район, шаҳар партия ташкилоти кенгашига секретарни вакил қилади ёки бошқа ваколатли шахсни сайлайди. Партия гуруҳларида партия гуруҳининг ташкилотчиси сайланади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

22. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Қорақалпоғистон республика ташкилоти партия сиёсатининг умумий қоидаларига ҳамда партиянинг олий ва марказий органларининг қарорларига амал қилиб, Қорақалпоғистон Республикасини сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва миллий-маданий жиҳатдан ривожлантиришга тааллуқли масалалар да ўз йўлини мустақил равишда белгилайди ва амалга оширади. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия комитети таркибига ўз вакилини йўллаш ҳуқуқидан фойдаланади.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти вилоят ташкилоти мақомига эга бўлиб, партиянинг олий ва марказий органлари билан бевосита муносабатда бўлади.

Бошланғич ташкилотларни бирлаштирувчи район ва шаҳар партия ташкилотлари Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг таянч тизимли бўғинларидир.

Район, шаҳар ва вилоят партия ташкилотлари ўз ҳудудлари доирасида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш ва унинг сиёсатини аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан иш олиб борадилар.

23. Партия конференцияси Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, тегишли партия ташкилоти кенгашининг қарорига, юқори партия ташкилотининг таклифига, мазкур партия ташкилоти аъзоларининг камида учдан бир қисмини бирлаштирувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чақирилади. Навбатдаги партия конференциялари, одатда, маҳаллий, республика ҳокимияти органларига сайлов ўтказиш юзасидан сайлов кампаниялари бошланишидан олдин, аммо камида беш йилда бир марта чақирилади.

24. Партия ташкилоти Кенгаши доимий ишловчи ижроия ва мувофиқлаштирувчи орган бўлиб, асосан қуйи партия ташкилотларининг белгиланган тенг миқдор бўйича сайланган ва ваколат билан юборилган тўла ҳуқуқли вакилларидан иборат бўлади. Конференция тегишли кенгаш аъзоларининг бир қисмини қўшимча равишда сайлаши мумкин, бунда мана шу қисм улар умумий сонининг бешдан бир қисмидан ошмаслиги керак.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг кенгашларига сайлаш учун белгиланган миқдор аввалги таркибдаги тегишли кенгаш пленуми томонидан, қуйи район ва шаҳар партия ташкилотлари билан келишган ҳолда конференцияни чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилган айни бир вақтда тасдиқланади. Район ва шаҳар партия ташкилотларининг кенгашларига ҳар бир бошланғич партия ташкилотидан биттадан вакил сайланади ва ваколат билан юборилади.

25. Конференция партия ташкилоти кенгашига беш йил муддат билан зарур ваколатлар беради, керак бўлган ҳолларда унинг аъзоларидан бир қисмини қўшимча равишда, шунингдек, тафтиш комиссиясини сайлайди, конференция уларнинг ҳамда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг сайланадиган тегишли ҳокимият органидаги партия гуруҳи, фракциясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглайди, улар юзасидан қарорлар қабул қилади, мазкур партия ташкилоти ишининг устивор йўналишларини белгилайди, юқори партия ташкилотининг кенгашига белгиланган миқдорда ўз вакилларини сайлайди.

Қорақалпоғистон Республика партия конференцияси беш йил муддатга республика партия ташкилотининг

6.

зий Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида партия Низомига ва қурултой тасдиқлайдиган Низомга амал қилади.

Марказий Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиши ёки унинг аппаратида ишлаши мумкин эмас.

IV. БОШҚА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

36. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси демократик ва ижтимоий адолат нуқтаи назарига амал қилувчи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва унинг доирасида ҳаракат қилувчи ижтимоий кучлар билан ҳамкорлик қилади. У касаба уюшмалари, хотин-қизлар, фахрийлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ҳаракатлар билан муносабатларини сиёсий ҳамкорлик ва шериклик, ўзгача нуқтаи назарни ҳурмат қилиш асосида қуради.

Партия ташкилотлари Конституция ва қонунлар асосида ҳамда унга мувофиқ иш кўраётган бошқа сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари, оммавий ҳаракатларнинг ташкилотлари билан биргаликда номзодлар кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида сайловолди битимни тузишлари ва улар билан бирлашишлари мумкин.

Партия демократик йўналишдаги хорижий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар билан алоқалар ўрнатади ва бевосита алоқаларни қўллаб-қувватлайди.

V. ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

37. Партия органлари ва бошланғич партия ташкилотлари ёшлар билан иш олиб боришда, ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёшлар ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қиладилар, демократик йўналишдаги ёшлар ташкилотларига кўмаклашадилар.

Партия ташкилотлари партиянинг дастурий мақсадларига қўшилувчи ёшларни Ўзбекистон ХДП сафларига жалб қилиш борасида иш олиб боради.

Барча поғоналардаги партия ташкилотлари қошида 30 ёшгача бўлган партия аъзоларини ҳамда партиянинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватловчи партиясиз ёшларни бирлаштирадиган ёшлар клублари ва шўъбалари ташкил этилиши мумкин.

Ёшлар клублари ва шўъбалари ёшларга оид сиёсат ҳамда ёшлар билан иш олиб боришда партия ишининг турли масалаларини муҳокама қиладилар, ана шу масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқиб, таклифларини тегишли партия ташкилотларининг раҳбар ва ижроия органлари муҳокамасига киритадилар.

VI. ПАРТИЯНИНГ РАМЗЛАРИ

38. Партия ўз рамзлари сифатида байроқ, нишон ва вимпелларига эга бўлади. Уларни Марказий Кенгашнинг тақдимига биноан қурултой тасдиқлайди ва қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органи томонидан рўйхатга олиниши керак.

VII. ПАРТИЯНИНГ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

39. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси ва унинг ташкилотлари фаолияти партия даромадлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминланади.

Партиянинг пул маблағи партияга аъзолик бадалларидан ноширлик, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти даромадларидан, партия аъзолари, айрим фуқароларнинг ихтиёрий хайрияларидан ҳамда сиёсий иш манфаатларига ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан таркиб топади.

Пул маблағларининг бир қисми, Марказий Кенгаш белгилаган миқдорда ҳар йили Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг заҳира жамғармасига ажратилади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини ўз даромадларининг камида 1 фоизи миқдорида тўлайдилар. Партия ташкилотлари ўз қарорлари билан моддий аҳволи, бетоблиги ёки қарилиги сабабли партия аъзолик бадалларини мунтазам тўлай олмайдиган кишиларни шундай бадаллар тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

40. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бюджети, маҳаллий партия ташкилотлари ҳамда партия корхоналари ва муассасалари даромадларидан бюджетга ажратиладиган маблағларнинг миқдори, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили партия Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланади ва ҳаммага маълум қилиш учун эълон қилинади.

Маҳаллий партия ташкилотларининг бюджетларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларини тегишли кенгашлар тасдиқлайди ҳамда партия аъзоларига маълум қилади.

41. Бинолар, иншоотлар, корхоналар, хўжаликлар, нашриётлар, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш муассасаларининг мулки, пул маблағлари, шунингдек, партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси эгалик қилиш ҳуқуқининг объектлари бўлиб, буларни у тасарруф этади.

Партия ташкилотлари, кенгашлари ўзларига тегишли мулкни бевосита бошқарадилар (эгалик қиладилар, фойдаланадилар, тасарруф этадилар). Улар партия мулкини сотиш ёки уни бошқача бегоналаштиришни Халқ-Демократик партиясининг қурултойи, конференцияси ёҳуд Марказий Кенгаш пленуми томонидан тегишли ваколат берилган юқори партия органининг рухсати билангина ҳал эта оладилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, район партия ташкилотлари кенгашлари, партия корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик шахс ҳуқуқига эгадирлар.

42. Район, шаҳар партия ташкилотлари ва уларнинг таркибига кирувчи бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партияга аъзолик бадалларидан тушган пулнинг ва бошқа даромадларнинг бир қисми ажратилади, унинг миқдорини ҳар йили Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари кенгаши белгилайди. Тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг кенгашлари ана шу маблағларни тасарруф этадилар, уларнинг зарур қисмини бошланғич ташкилотларнинг бевосита эҳтиёжларига ажратадилар.

Бошланғич партия ташкилотлари партия Низомида кўзда тутилган мақсадлар учун айрим фуқаролар ихтиёрий равишда уларга ўтказаётган маблағлар ва амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа тушумлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

VIII. ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРГОҲИ

43. Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Марказий Кенгашининг қароргоҳи Тошкент шаҳридир.

IX. ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

44. Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фаолияти у бошқа сиёсий ташкилотлар билан бирлашган ёки қўшилиб кетган тақдирда, бўлиниш ёҳуд ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида тўхтатилиши мумкин. Ушбу масалага оид қарорни партия қурултойи унинг барча ташкилотлари фикрини ҳисобга олиб қабул қилади ва қурултой делегатларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг мулки Низомда кўзда тутилган мақсадларга берилади ёки партия қурултойи белгилаган ҳуқуқий ворисга топширилади.

«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН халқлари ҳаётида XX асрнинг энг буюк тарихий воқеаси шу йилнинг 31 августида рўй берди, десак муболаға бўлмас. Зотан, мустақил, тенг ҳуқуқли деган қалбга яқин ибораларни Октябрь ғалабаси кунларида ҳам, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деган ном дастак қилинган пайтларда ҳам, жаҳонга кўз-кўз қилиб — Сталин Конституцияси қабул қилинганида ҳам, ундан кейин яна қайта-қайта эшитган эдик. Бироқ бу қалбга яқин ибораларнинг рамзий маъно касб этишдан нарига ўтмаган, тоталитар тузум айшини суриб, демократия топталаверган эди.

Барча «изм»лардан халос этилиб, Ўзбекистон Республикаси деган оддийгина халқона ном олган юртимизда мустақиллик эълон қилинган ҳозирги вазият демократик кучлар бутун мамлакат ҳаётида ҳал этувчи мавқега эга бўлган алоҳида вазиятдир.

Одатда энг катта ютуқлар сарҳисоб қилинган пайтларда деярли ҳамиша ўтмишга назар ташланади, ғалабага олиб келган йўлдаги нохушликлар, машаққатлар, қурбонлар ёдга олинади. Бундоқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, марказ фатвоси билан амалга оширилган тазйиқ, зўравонлик сиёсати кундалик ҳаётимизда оддий ҳодисалар саналиб келган, кўп ўн йилликлар мобайнида эркин фикр, бутун халқ манфаатини ифодалайдиган фикр очиқдан-очиқ кишанлаб қўйилди, ҳамма масалада диктатура байроғини маҳкам тутганларнинг қош-қовоғига, имо-ишорасига қараб иш тутишга мажбур бўлдик. Ҳақиқатни айтишдан бўлак айби бўлмаган «мустақил республика» кишиларини жисман маҳв этдилар, жуда илтифот қилинган ҳолларда марказдан туриб танобини тортиб қўйдилар.

Буюк ҳукмдор ва лашкарбошиликдан ташқари ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда «бир яхши байт ўқиғони юз яхши байт айтқонча бор» деган тенгсиз истеъдод соҳиби Амир Темур ҳақидаги мавжуд тарихий фактларнигина териб-териб айтишга журъат этган забардаст олим Иброҳим Мўминовнинг бошига тушган катта қулфатлар, у зот ажалидан бурун ўлимга маҳкум этилганлиги кўпчилик зиёлиларга маълум.

Шу ўринда, масаладан бир оз четга чиқиб бўлса ҳам айтмоқчимизки, халқ катта имтиҳонларга дуч келган даврларда унинг йўлига ғов ташлашга, шундай тубан усул билан ўзининг ўнгмайдиган ишларини ўнглаб олишга, атрофдагиларга қутқу солиб «обрўдор» бўлишга интилувчи бир тўда пасткаш одамлар ўша халқнинг ичидан чиқиши табиатнинг номард қонунияти, оташзабон Фурқат доғ бўлиб айтганидек «чархи кажрафторнинг бир шеваси» бўлиб қолмоқда.

Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги мўъжазгина рисоласини тарихимизни чуқур ва атрофлича биладиган, қилни қирққа ёрадиган ўз олимларимиз муҳокамасига ғ йишга юраги бетламаган ўшандай чала муллалар уни шу мавзудан ўзлари сингари бехабар марказдаги найзабозлар ҳукмига ҳавола қилдилар. Марказий ойномаларда эълон қилинган ғайри илмий материаллар улкан ўзбек олимининг тақдирида катта фожиага сабаб бўлди.

Бундан 18—19 йил илгари «Ўзбекистон маданияти» газетасида ҳозирги ўзбек насри муаммолари хусусида бошланган мунозара Абдулла Қодирийнинг романлари социалистик реализм методи намуналарими ёки танқидий реализм методига мансубми, деган машмашага айланиб кетган эди. Бундан мақсад шу эдики, агар Қодирий социалистик реализм методига асосланиб иш тутган бўлса, меҳнаткаш халқ манфаатини дуруст акс эттирган катта санъаткор, агар танқидий реализм методи даражасида қолган бўлса, қуйироқ, иккинчи нав қаламкаш бўлади. Социалистик реализмнинг бош принципи синфийлик, партиявийликни байроқ қилиб, бир ярим-икки йил мобайнида олиб борилган бу асоссиз мунозара ниҳоят натижасиз тугади.

Абдулла Қодирий асарлари эса барча «изм»лардан юқори турувчи, халқнинг барча қатламларига бир хилда ихлос билан хизмат қилувчи ноёб мерос сифатида замон синовларидан шараф билан ўтиб, шуҳрат устига шуҳрат тоғмоқда.

ДАРВОҚЕ, меросимиз, минг йиллик бой тарихга эга маданий меросимиз хусусида. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳувайдо, Ҳазиний, Сарёмий сингари азамат шоирлар диний мавзуларда ҳам асарлар ёзганликлари, шу асарлари орқали кишиларни ҳалоллик, инсоф ва адолатга даъват этганликлари учунгина улар ижоди бутунисича халқ манфаатларига зид деб эълон қилинган, бу диний шоирлар билан уларга замондош ижодкорлар ўртасида сунъий равишда Хитой девори ўрнатилган, улар барча адабиёт дастурлари ва дарсликлардан чиқариб ташланган, мабодо йўл-йўлакай эслаб ўтилса ҳам дунёвий адабиётнинг, демократик-маърифатпарварлик адабиётининг ёвуз душманлари деган хунук тамға остидагина эсланар эди. Ваҳолонки, бир томондан, диний мавзуларда кўркам асарлар яратган бу ижодкорлар дунёвий мавзуларда ҳам ундан кам бўлмаган эҳтиросли асарлар битган. Иккинчи томондан эса, уларга сунъий равишда қарама-қарши қўйилган ва фақат дунёвий адабиёт, демократик адабиёт намояндалари сифатида ўқувчиларга тақдим этилган қалам соҳиблари ҳам диний мавзуларда таъсирчан бадиалар қолдирган эдилар. Чунончи Фурқат ўз «Аҳволот»ида Қўқон адабий муҳитида кечган ажойиб дамларни эслар экан, «...Замон шуароларикимким, чунончи, мавлоно Муҳйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб зодаи табъларимиздин мушоира қилур эрдук... Гоҳо ҳамд гулшанидин гул узуб, гоҳи наът нахлистонидин самарчин бўлур эрдук». Худога шукрона ва миннатдорлик туйғуларидан иборат ҳамдларни ва Муҳаммад алайҳисаломнинг сифатларини васф этувчи наътларни фақат юқорида номлари зикр этилган аллома шоирларгина эмас, балки янги давр адабиётимизи сарчашмаларида турган Ҳамза Ҳакимзода ҳам кўплаб яратгани энди кўпчиликка маълум.

Қатағон даврининг ўтмиш маданий меросга муносабат соҳасида қолдирган яна бир оғир асорати шундаки, халқимизнинг ажойиб мероси кўп ҳолларда бир томонлама баҳоланди, бири иккинчисининг давоми бўлган, бир-бирини тўлдирган оқимлар марказ юргизган сиёсатга мослаб, сунъий равишда бир-бирига қарши қўйилди. XX аср бошларида янгича йўналишдаги маърифатпарварлик билан ёнма-ён, ягона мақсадни кўзлаб иш тутган жадидчилик муносабатларини баҳолашда шундай ҳолат яққол кўзга ташланди. Кўпгина номдор олимларнинг тадқиқотларида бу икки йўналишдаги зиёлиларнинг фаолияти ғайриилмий тарзда, кўплаб ҳаётий ва фактик ҳужжатларни назар-писанд қилмаган ҳолда бир-бирини инкор этувчи ҳодисалар сифатида тасвирланди. Бу эса ўн йиллар мобайнида кишиларни чалғитишга, кўпдан-кўп чалкашликларга олиб келди. Чунончи, XIX асрнинг 80-йилларида шаклланган ўзбек маърифатпарварларининг аксар қисми 90-йиллардан бошлаб жадидлар билан ёнма-ён туриб янги усул мактабларида, жадид даврий матбуотида фаоллик кўрсатди, жадидлар билан биргаликда чоризмнинг таъқиб ва тазйиқларига дуч келдилар. Саидрасул Сайдазизов, Камолхон Қаҳҳоров, Эшонхўжа Маҳмудхўжаев ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Фурқатнинг энг қадрдон дўстларидан бўлмиш Фансурулло Худоёрхонов жадидчиликнинг йирик вакили Мунаввар қори Абдурашидхонов билан биргаликда «Хуршид», «Осиё» рўзномаларини ташкил этиб, халқни маърифатли қилиш учун қизғин кураш олиб бордилар. Фурқатнинг ўзига келсак, жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспринский Боқчасаройда ўзи муҳаррирлик қилган «Таржимон» газетасида ҳали шоир барҳаётлик йилларидаёқ унинг Ёркентдаги маърифатпарварлик фаолияти ҳақида материаллар эълон қилдирган. Машҳур Абдулла Авлоний ўнинчи йиллар ўртасларида чоп эттирган «Адабиёт ёҳуд миллий шеърлар» тўпламларида Фурқат асарларини ўқувчиларга тақдим этди. Ҳамза Ҳакимзода Фурқатнинг бир неча ғазал ва мухаммасларига татаббулар қилишдан ташқари, машҳур «Сайдинг қўябер, сайёд...» мусаддасига куй басталаб, улкан маърифатпарвар устозига алоҳида эҳтиром кўрсатди.

Юқорида келтирилган ва бошқа кўпгина ҳужжатлар Туркистон жадидлари халқни илм-фан нурларидан баҳраманд этиш йўлидаги курашларида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек маърифатпарварларининг меросидан баракали фойдаланганликларини кўрсатади. Бу ҳол тадқиқотчиларимиз зиммасига жадидчилик ва маърифатпарварлик ўртасидаги ана шу муҳим алоқаларни баралла кўрсатиб беришдек йирик вазифани юклайди.

ИНҚИЛОБДАН кейинги кўп ўн йилликлар мобайнида ҳам, ҳатто қайта қуриш йилларида ҳам халқимизнинг тарихий ўтмишига, маданий меросига тор синфий нуқтаи назардан ёндашиш кўпдан-кўп зарар келтирди. Чунончи, 1898 йилги Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йилги мардикор қўзғолони ва бошқалар қатағон даври талабларидан келиб чиқиб халқнинг миллий-озодлик кураши эмас, деб баҳоланди. Бу қўзғолонлар халқнинг миллий ўз-ўзини англашида муҳим аҳамият касб этганлиги инкор қилинди. Шундай тор синфий нуқтаи назар Ҳусайний, Амирий, Феруз, Фазлий каби йирик шоирларнинг адабиётимиз тарихидаги ҳақиқий ўрнини белгилашга монелик қилди. Натижада адабиётимиз тарихи маълум даражада қашшоқлаштириб кўрсатилди.

Ўтган вақтларни қўяверайлик, давлат тўнтариши кунларида сохта президент Г. Янаев совет ҳамда чет эл журналистлари билан ўтказилган матбуот конференциясида Ўзбекистонда фавқулодда ҳолат жорий қилишнинг, яъни республика ҳудудига қуролланган қўшинлар киритишнинг ҳожати йўқ, деб дунёга жар солганида хунта олдидаги ожизлигимиздан зил кетиш, кўзимизни каттароқ очиш ўрнига баъзи юксак минбарлардан туриб бу аянчли аҳволни ўзбек халқига кўрсатилган ишонч сифатида тушунтирмоқчи бўлган қуёнюрак профессорларнинг сўзларини эшитдик. Минг афсус. На чора, беш қўл баробар эмас.

Мустақиллик эълон қилинган ҳозирги умидбахш кунларда ўтмишда ва кечагина ҳаётимизда содир бўлган ана шундай кўнгилсиз воқеалардан сабоқ чиқариш бизга ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек мустақиллик ҳақидаги оқилона фармонлар нинг ўзи билан эркимиз, тенглар орасидаги тенглигимиз ўз-ўзидан қўлга кирмаслиги турган гап. Ҳақиқий мустақиллик, озодлик халққа кимлар томонидандир совға қилиб бериладиган нарсалар эмас. Уларни узоқ вақт давом этадиган катта курашлар натижасидагина қўлга киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинганидан сўнг фидойи зиёлиларимиздан бири: «Биламан, ивволар бўлади, фитналар уюштирилади. Лекин биз бир тан, бир жон бўлсак, машаққатлар писанд эмас», деб куйиниб ёзса, бошқа бир шундай зиёли: «Халқ, фақат халқнинг ўзигина ўзини қутқариши мумкин», деган бирдан-бир тўғри мулоҳазага келади.

Қайта қуриш йилларида чинакам демократиянинг мағзини чақа бошлаган халқ шундай собит йўл тутиши керакки, ичимиздан чиққан илонлар соғлом, пок жамият орасида ўзларини боши янчилгандек сезишлари, инсоф ва адолатга, халқнинг мислсиз қудратига қарши бориш ўз бошларига қандай фожеалар келтиришини аввалдан кўриб турадиган бўлишлари керак.

Яна бир мулоҳаза. Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги ҳозирда сиёсат, иқтисод, маданият соҳасида фаол ишлаб турган фидойи кишилар ғайрат-шижоати билан эълон қилинди. Лекин бу ниҳоятда улуғ ишда янгидан-янги марраларни эгаллаш яқинда қизғин фаолият майдонига кириб келаётган ёшларнинг зиммасига тушади. Шу важдан бутун жаҳон қўламида фикрлайдиган, халқ орзулари байроғини баланд кўтариб борадиган энг билимдон, энг фидойи, энг истеъдодли ёшларни келажакдаги улкан вазифаларга муносиб қилиб тайёрлаш айниқса, муҳимдир. Кейинги пайтларда маҳаллий ёшларни илм-фан, маданият, техника юқори даражада ривожланган мамлакатларга ўқишга, тажриба ўрганишга юбориш иши Ўзбекистонда анча жонланиб қолганлиги яхши умидлар туғдирмоқда. Ёшларнинг ўзларига келсак, улар бу йўлда машаққатлардан чўчимасликлари, айниқса хорижий тилларни пухта ўрганиш соҳасида фидойилик кўрсатишлари зарур. Шундагина ўлкамиз мустақиллигини билим-донлик билан амалга ошириш, ҳалқимизнинг энг катта орзусига эришиш осонроқ бўлади.

Шариф ЮСУПОВ,
Тошкент давлат дорилфунуни профессори, филология фанлари доктори.

Эътибор беринг

«ОДОБНОМА» ЕТИБ БОРДИМИ?

Мактабларимизда «Одобнома» дарслари ўтиляпти. Бу билан миллий қадриятларимиз тикланяпти, ўзлигимизни англай бошладик. Ҳолбуки, Москва нашриётларида чоп этилган ва Европа халқлари маданияти қамраб олинган одоб ва ахлоқ, оила ҳақидаги китобларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилган эдик. Бу фарзандларимиз дидини ўтмаслаштирди, ўзгалар маданиятига ружу қўйишга олиб келди.

Республикамизда одобахлоқ ҳақидаги дарслик ва қўлланмалар эндигина ёзиляпти. Ана шу қўлланмаларнинг бири истеъдодли тарбишунос Турсунали Қурбоновнинг «Одобнома» китобидир. Ўзбек халқининг ота-бободларимиздан бизга мерос бўлиб қолган катталарга ҳурмат, ёшларга меҳр-шафқат, меҳмондўстлик, ҳашар, чанқаган одамга сув, кексаларга жой бериш, қўл ювмоқчи бўлган кишининг қўлига сув қуйиш, сочиқ тутиш, ғам-ғусса тушган хонадонга бориб ҳол-аҳвол сўраш сингари ноёб миллий урф-одатлари бор, деб ёзади муаллиф. — Биз халқимизга тўғри келмайдиган келгинди, ёт урф-одатларни тиқиштирдик. Натижада миллий анъаналаримизни унутдик. Айниқса, ёш авлод тарбиясини «замонавийлаштириш»га уриниб, ўзбек миллий удумларини ўқувчилар ва ёшлар онгига сингдиришда эътиборсизлик қилдик. Аҳвол шу даражага бориб етдики, айрим ёшларимиз катталарга жой бериш, ҳурмат қилиш, кўча-куйда саломлашишни ҳам унутдилар. Ота-онага, катталарга ҳурматсизлик, ор-номус талабларига риоя қилмаслик, беҳаёликлар юзага келди. Ўтмиш сарқитларига қарши кураш никоби остида қон-қонимизга сингиб кетган «Наврўз»дан воз кечдик.

Муаллиф болаларга одобахлоқ кўникмаларини сингдириш масалаларига атрофлича тўхталади. Ватан туйғуси тарбияси ва атроф-муҳитга муносабат, шунингдек табиатга меҳр уйғотиш муаммолари Т. Қурбонов китобининг диққат марказида туради. Айниқса, «Она — Ватан туйғуси», «Саломлашиш одоби», «Нон сеҳри», «Нафс ва уни идора қилиш одоби», «Спиртли ичимликларнинг зарари», «Дўстлик одоби» боблари ўқувчида катта таассурот қолдиради. Ота-онага ҳурмат, байналмилал дўстлик, мустақил оила, келин ва куёв бўлиш одоби миллий руҳда ёзилганлиги билан эътиборга моликдир. Шу билан бирга китобда алломаларнинг одоб ва ахлоқ ҳақидаги ҳикматли сўзлари ўз ўрнида берилган.

«Ўқитувчи» нашриёти «Одобнома» китобини 40 минг нусхада чоп этди. Бу етарлими? Албатта, республикамиз аҳолиси, ўсиб келаётган ёшларимиз учун бу ҳали оз. Буни муҳарририятимизга «Одобнома» китобини излаб тополмаётганлиги ҳақида келаётган мактубларидан ҳам билиш мумкин. Бу китоб «Одоб» дарсини олиб бораётган муаллимлар учунгина эмас, балки миллионлаб ёшлар ва ота-оналар учун ҳам қимматлидир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бу муаммони тўғри ҳал қилади ва Т. Қурбоновнинг «Одобнома» китобини кўпминг нусхада қайта нашр этилишига кўмаклашади деб ишонамиз.

М. ПИРМАТОВ.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

● 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда республика иқтисодиётида вужудга келаётган аҳвол, бюджет қандай бажарилаётганлиги, унинг даромад қисмини кўпайтиришга оид қўшимча имкониятларни сафарбар этиш ҳамда ички бозорни муҳофаза қилиш юзасидан, аҳолини энг зарур моллар билан барқарор ва кафолотли таъминлашни йўлга қўйиш, шу молларнинг тақсимланишини назорат қилишни кучайтириш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисида иқтисодий идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Халқ хўжалигидаги танглик ҳолатларини бартараф этишнинг долзарб вазифалари, бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқ хўжалиги тармоқлари фаолиятининг зарур ҳуқуқий негизини вужудга келтириш учун тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, пул муомаласини нормаллаштириш, янги пул чиқаришни қисқартириш ва банкдан бериладиган қарзнинг аҳамиятини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Кенгаш комитетларининг, Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқиб, аниқ таклифлар киритдилар.

Бўлиб ўтган фикрлашувлар ва тушган таклифларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев ва Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов сўзга чиқдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошқарди ва якунловчи нутқ сўзлади.

Намангандаги 2-пахта тозалаш заводи ўрнида янги тўқувчилик фабрикаси ташкил этилди. Эски завод биносига 20 та дастгоҳ ўрнатилиб, корхонанинг биринчи навбати ишга туширилди.

СУРАТДА: янги фабрика ишчиси Дилоромхон Мамадалиева иш устида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

●

«Жиззахтранс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Пахтакор районидаги 112-автокорхонаси ҳайдовчилари халқ хўжалиги юкларини ўз муддатида манзилга элтиб қўйишга одатланишган.

СУРАТДА: автокорхона директори Ҳаким Норқўзиев (чапдан иккинчи) ва шофёрлар А. Бўтаев, С. Саидов, С. Шакаровлар навбатдаги иш режаларини муҳокама қилишмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• Ҳаракатда — баракат

ЯНГИЛАНИШ ДЕБОЧАСИ

Яшириннинг ҳожати йўқ, илгаклари ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади нима қилиб бўлса ҳам режани уддалаш эди. Ўша режани бажараётган меҳнаткаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш эса иккинчи даражали иш бўлиб қолганди. Хайрият, вазият ўзгарди. Режалар ҳам корхоналар имкониятларига қараб белгилана бошланди. Режа эмас, меҳнат кишисининг фаровонлигини ўйлаш муҳим масала бўлиб қолди.

Тўғри, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Қайтанга унинг ижтимоий соҳа билан янада чамбарчас боғланаётганлиги тобора ёрқин кўзга ташланмоқда. Зотан, қаердаки ишловчилар яхши меҳнат қилиб, топшириқларини яхши уддалашса, ўша ерда ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар миқдори ҳам ошиб бормоқда.

Мақтаниш эмас-у, ушбу оддий ҳақиқатни жамоамиз аҳли қонда қилиб олганига анча бўлди. Ростини айтганда, ўшандан буён самарали меҳнатимиз эвазига яхшигина даромад ҳам олдиган бўлдик. Автокомбинатда кадрлар қўнимсизлигига чек қўйилди.

Корхонамизда хўжалик юритишнинг янгича усуллари — ижара, жамоа пудратига кенг йўл берилди. Техника қаровига, жумладан, ремонтда турган автомашиналарни тезроқ созлаб, уларнинг иш коэффициентини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Дарвоқе, ҳайдовчиларнинг ўзлари тежамкорлик билан иш юритишга, машина-механизмлардан асраб-авайлаб фойдаланишга эътиборни кучайтирдилар. Хуллас, шу тариқа корхона ишлаб чиқариши барқарорлиги таъминланди.

Тўғри, юк ташиш ўн йиллик режасини муддатидан илгари бажардик. Бироқ 9 ойда тонна-километр бўйича режа тўла бажарилмади. Шу боис, кутилганидан камроқ даромад олдик, фойда режаси зўрга (99,9 фоиз) уддаланди.

Албатта, бу рақамларни мен бекорга келтираётганим йўқ. Улар бизнинг фаровонлигимиз манбаини асослаб беради, маблағлардан қай тарзда фойдаланишни қиёслаш имкониятини беради. Дарвоқе, айни шу рақамларга суяниб биз бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўз меҳнатчиларимизни ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ дастурини ишлаб чиқдик. Кейин шу асосда тадбирларни амалга ошира бошладик.

Жумладан, санаторий-соғломлаштириш масканларига бораётган ишчиларимизга йўлланма билан бирга 100 сўм миқдорда ёрдам пули бериш йўлга қўйилди. Пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла 300 сўмдан бериладиган бўлди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар шароитини яхшилашга ҳам эътибор кучайтирилди. Улар эндиликда йил давомида 200 — 300 сўмдан ёрдам пули олишяпти.

Мамлакатда чакана нархларнинг ислоҳ қилинганлиги ҳисобга олиниб, корхонада тушки овқат учун ҳар бир ишчига ойига 40 сўмдан қўшимча пул берилянти. Аслида ҳозирги баҳода бу маблағ жуда камдек туюлади. Бироқ шу кунгача маъмурият ушбу мақсадларга қариб 150 минг сўм сарфлади.

Комбинатда ишчи-хизматчиларнинг маданий-маиший шароитлари ҳам яхшиланмоқда. 150 кишига мўлжалланган клуб, кутубхона, душхона, сауна-ҳаммом ишчилар хизматида. Лекин ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Масалан, автохўжалигимизда мактабгача тарбия муассасалари йўқ. Уй-жой масаласи ҳам ўткир муаммо бўлиб қолмоқда.

Бироқ қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Имконият излаб, муаммоларни ҳал қилишга интилмоқдамиз. Ўтган йили корхона маъмурияти пайчилик асосида уй-жой қуришга 57 минг сўм пул ўтказди. Ишчи-хизматчиларга якка тартибда уй қуриб олишлари учун ер участкалари ажратилди. Уларнинг қўпчилигига қурилиш материаллари сотиб олишлари учун 155 минг сўм атрофида қарз берилди. Ёш оилалар ҳисобига эса фоизсиз имтиёзли қарзлар ўтказилди.

Тўғри, буларнинг ҳаммаси ҳамир учидан патир, ижтимоий адолат асосларини шакллантирадиган ижобий йўналишнинг бошланиши, янгиланиш дебочаси, холос.

Мана, республикамиз мустақилликка эришиб, халқимиз унутилган қадриятларни тиклай бошлади. Энди ҳар бир соҳада юрт фаровонлигини ўйлаб ишни янгичасига юритиш керак.

Автомобилчилар буни яхши тушунишади. Шу боис улар бутун куч-ғайратларини жумҳурият тараққиёти йўлидаги яратувчилик ишларига қаратмоқдалар.

В. ХАЛИЛОВ.

Андижон автокомбинати директори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

О. ОТАЖОНОВ, З. ИНОҒОМОВ, Қ. МИРЗАРАҲИМОВ ЎРТОҚЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ УНВОНЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек миллий санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари, муҳим тарбиявий аҳамиятга молик асарлар яратганликлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

Ортиқ **Отажоновга** — М. Қориёқубов номли Ўзбекистон давлат филармониясининг яккахон хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ РАССОМИ»

Зокир **Иноғомовга** — ранг-тасвирчи рассом

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Қосим **Мирзараҳимовга** — ҳайкалтарош рассом.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 9 ноябрь.

СПОРТ

КУЧЛИЛАР САФИДА

● ЯНА бир неча кундан кейин Австралиянинг Сидней шаҳрида бокс бўйича жаҳон чемпионати бошланади. Мусобақада 52 мамлакатдан тўпланган чарм-қўлқоп усталари ўзаро баҳслашадилар. Совет терма жамоаси 12 кишилик вакили билан Австралияга жўнаб кетди. Улар орасида Сиэтл шаҳрида ўтказилган Яхши ният ўйинлари совриндори, Москвада бўлиб ўтган жаҳон чемпионати иштирокчиси мамлакат чемпиони ва кубок эгаси Артур Григорьян ҳам бор. У 60 килограмм вазнли боксчилар қатори рингга чиқади.

ЯКУНЛОВЧИ УЧРАШУВЛАР

● БИРИНЧИ лига футбол жамоалари мамлакат чемпионатининг якунловчи тур ўйинларини ўтказишди. Муддатидан олдин чемпион бўлиб олган «Ротор» футболчилари охирги ўйинни ўз майдонларида қайратчилар билан ўтказиб (4:2) жами очколарни 59 тага етказишди. «Тилигул» сафарда «Геолог» жамоаси билан ўйнаб (1:1), мавсумни 54 очко, иккинчи ўрин олиш билан якунлади. «Уралмаш» ҳам охирги ўйинда йирик ғалабага эришди. Бу жамоа «Таврия» футболчиларидан 6:2 ҳисобида устун келди. Уралмашчилар 51 очко билан учинчи ўринни эгаллашди. «Нефтянник» — «Текстильщик» — 1:0, «Навбаҳор» — «Факел» — 2:0. Ана шу учрашувлардан кейин фарғоналиклар 47 очко билан еттинчи, навбаҳорчилар 45 очко билан тўқизинчи ўринда мавсумни якунлашди.

● **ГУЛИСТОНДАГИ 3-ўрта мактабда жисмоний тарбия ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ердаги ихтисослаштирилган синфда чим хоккей ва қўл тўпи бўйича машғулотлар ўтказилади. Ана шу спортчилар асосида мактаб терма командаси таркиб топган. Бу жамоа область, ҳатто республика мусобақаларида ҳам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ёшларга тажрибали устоз Эркин Дадашев мураббийлик қилмоқда.**

СУРАТЛАРДА: ўқитувчи Э. Дадашев ўқувчилар орасида, чим хоккейчи қизлар машқ пайтида ва қўл тўпи устаси Шахноза Исмонлова.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

Беруний мукофотига номзодлар

КАСАЛЛИКНИ ЯШИРСАНГ...

Бир одамнинг юриш-туришидан чиқадиган ультратовушлар ҳар хил бўлади. Бу ультратовушлар оддий одамнинг қулоғига яхши эшитилмасада, тинглаш қобилияти кучли бўлган турли жониворлар дуруст эшитадилар. Италиялик олим Л. Спалланцани 1794 йили кўршапалаклар устида тажриба ўтказди. У кўршапалакларни кўздан бутунлай маҳрум қилиб қўйиб юборди. Эртасига уларнинг меъдасини текширгач, ундаги ҳашаротлар сони ва сифати кўзи бор кўршапалаклардан фарқи йўқлиги аниқланди. Кўршапалаклар эшитув аъзоларидан маҳрум қилинганда эса аксинча, тўсиқларга урилишиб, йўлини йўқотиб қўйишган, ҳатто ёнидаги ҳашаротларни сезишмаган. Маълум бўлишича, кўршапалак зарур йўналишда ультратовуш тўлқинларини тарқатиб, улар билан нарсаларни «пайпаслаб» кўрар, ҳатто «кўриб» қолмасдан, балки уларнинг ҳажми ва шаклини бемалол аниқлай олар экан.

Шифокор ва техник олимларнинг ҳамкорлиги асосида яратилган ультратовуш асбоблари эндиликда тиббиётда кенг фойдаланилмоқда. Кўпчилик беморлар баъзан йиллаб асл касалликларини билишолмайди. Ҳатто оёғи оғриган беморнинг қўлини даволайдиган дўхтирлар ҳам афсуски бор. Ультратовуш диагностикаси асбоби касалликни деярли хатосиз аниқлайди.

Жумҳуриятимиз олимлари А. Фозилов, Н. Муродхўжаев, Э. Қосимов, А. Дўстмуродов ва Ф. Алавийларнинг ўтказган кўп йиллик тадқиқотлари ўзига хос концепция яратди. Уларнинг фикрича, ҳар бир одамни (у соғ ёки касал бўлишидан қатъи назар) йилига камида бир марта диагностика текширувидан ўтказиш лозим.

Жумҳуриятимизнинг атоқли шифокорлари ультратовушнинг инсон организми учун бехатар эканлигини тажрибада синаб кўрдилар. Ультратовуш ёрдамида юмшоқ тўқима, без, юрак ва қон томирларини, барча ички аъзоларни тўлиқ текшириш, уларнинг тузилиши, жойлашиши ҳақида аниқ маълумот олиш ҳам мумкин.

Янги ультратовуш диагностикаси эса организмдаги тош, қум, хавфли ва хавфсиз ўсмаларни ўз экранида тўлиқ тасвирлай олади. Айниқса, ультратовуш диагностикасини оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишдаги аҳамияти катта. Ультратовуш орқали аёлнинг ҳомиладорлиги, бачадондаги турли касалликларни аниқлаш мумкин. Бу асбоб орқали ҳомиланинг 4-5 ҳафталигидаёқ аниқлаш мумкин.

Бундан ташқари, баъзи аёлларга «туғмас» деб ноҳақ айб қўйилганда, улар умидларини узмасдан диагностик кўрувдан ўтишлари керак. Чунки бачадоннинг арзимаган яллиғланиши ёки шамоллаши туфайли ҳам бола бўлмаслиги мумкин. Ультратовуш диагностикаси ёрдамида ҳатто ҳомила 5 ой бўлгандан бошлаб жинсини аниқлаш мумкин.

Совет-француз фазогирлари халқаро кемаси фазода ультратовуш диагностика методи — эхокардиографиянинг жуда сезгир усули эканлигини тасдиқлади. Олинган натижаларни олимлар жуда юксак баҳоладилар.

Илгари қон тезлиги ва миқдорини аниқлаш учун қон томирга бирор асбоб киритиш ёки томирларни ўраб ётган тўқималардан ажратиб олиш талаб қилинарди. Эхография ёрдамида қон томирига ҳам, терига ҳам ҳеч бир зарар бермасдан зудлик билан қон тезлиги ва миқдорини аниқлаш мумкин. Ультратовуш диагностикаси туфайли текширувни хоҳлаган пайтда беморнинг турли ҳолатларида, ҳатто бемор бехуш ётганда ҳам ўтказиш мумкин.

Ультратовуш билан текширув пайтида бирор ёқимсиз сезги, оғриқ пайдо бўлмайди, беморга ҳеч қандай озор етказилмайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш халқаро ташкилотининг маълумотларига кўра 2000 йилга бориб тиббиётдаги диагностик текширувларнинг деярли 60 фоизи ультратовуш ёрдамида амалга оширилиши кутилмоқда.

Агар Абу Али ибн Синодек бобомиз жаҳон тиббиётига тамал тошини қўйган бўлсалар, XX аср оёқлаб турган пайтда таниқли олимларимиз А. Фозилов (раҳбар), Ф. Алавий, А. Дўстмуродов, Э. Қосимов, Н. Муродхўжаевлар «Тиббиётда ультратовушли диагностиканинг янги тизимини излаб чиқиш ва соғлиқни сақлашда жорий этиш» (1965—1990 йиллар) ишлари билан жаҳон тиббиётига маълум даражада ҳисса қўшганликларини эътироф этмаслик инсофдан бўлмас.

Орол ва пахта якказироати билан боғлиқ турли-туман касалликлар жумҳуриятимизда кенг тарқалган пайтда тиббиётнинг асримиздаги буюк кашфиёти бўлган ультратовуш диагностикаси асбоблари билан ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқ касалхоналарини таъминлаш биринчи галдаги бурчимиздир.

Ўзбек олимларининг чорак аср мобайнида ультратовуш диагностикаси соҳасидаги изланишлари Беруний номидаги юксак мукофотга жуда ҳам муносиб.

Тўра МИРЗО.

ЯНА ЗОҒОРА НОН

Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги хонадонлари дастурхонларида жўхори унидан ёпилган зоғора нонлар пайдо бўлди. Бу нонлар ўзининг тўқ тутиши ва бетакрор таъми билан ажралиб туради.

Гап шундаки, бу ерда баҳор фаслида қадим-қадимдан Фарғона водийси қишлоқларида нон ёпиш учун етиштириб келинган «оқ» жўхори экишга 45 гектар ерни махсус ажратиб бердилар. Ёзда ундан яхши ҳосил етиштирдилар, силос ҳам тайёрлаб олдилар. Жўхори дони жамоа хўжалиги аъзолари ўртасида бепул тақсимлаб берилди. Ҳар бир киши 320 килограммдан дон ва уй ҳайвонлари учун бир неча центнер ем олди.

Шундан сўнг жўхори экинидан бўшатиб олинган ерларга сабзи, турп ва шолғом экилди. Жамоа хўжалиги аъзолари яқин кунларда ҳосилни йиғиштириб олишга киришадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

ХИЗМАТ ИЛА ДАРОМАД

● **Сут ва гўшт маҳсулотлари корхоналарига хизмат қилувчи автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанддаги автобазаси сентябрь ойидан буён ижара пудрати асосида фаолият кўрсатмоқда.**

Бу иш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Жамоада ижара пудрати учун шароит пишиб етилди. Меҳнатни тўғри ташкил этиш туфайли йилнинг ўтган даврида 1 миллион сўм фойда олинди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагидан 28 фоизга ошди.

— Ходимларимиз, шофёрларимиз янгича иш усулига ўзларини маънавий жиҳатдан тайёрлай олдилар, — дейди автобаза директори Равшан Хожиев. — Машиналарнинг бекор туриб қолишига барҳам берилди. Ҳар литр ёнилғи, эҳтиёт қисмларни қадрлашга эришяпмиз. Одамларни пухта ҳисоб-китоб қилишга ўргатмоқдамиз.

Дарвоқе автобаза вилоятдаги ана шу усулга ўтган 2192-корхонадир. Ҳозир Самарқандда 1100 та кооператив, 309 та кичик, 4 та қўшма ва 7 та шахсий корхона, 239 та фермер ва деҳқон хўжалиги фаолият кўрсатаётир.

КАРВОНСАРОЙЛАР ТАЪМИРЛАНМОҚДА

● **Очиғи, карвонсаройлар ҳақида кўпчилигимиз тасаввурга эга эмасмиз. Йўқолиб бораётган бу масканлар илгари зиёрат ва тижорат бобида ўз ўрнига эга бўлган.**

Автомобиль йўллари қурувчилари жумҳурият маркази ана шу қадимий жойларни қайта тиклашга киришди. Тарихий рисолалар ва кексалар маслаҳати асосида карвонсаройларнинг бир неча хилдаги лойиҳалари тайёрланди.

— Бу иш бевосита Ўзбекистон Автомобиль йўллари вазирлигининг ташаббуси ва буюртмасига кўра амалга оширилмоқда, — дейди марказ бошлиғи Аминжон Шукуров. — Буюк ипак йўлининг жумҳуриятимиз ҳудудидан ўтган жойлардаги эски карвонсаройларни таъмирлашга, янгиларини эса қуришга аллақачон киришдик. Бухорода, Галаосиёда, Мирбозорда, Попда бундай хайрли ишлар бошлаб юборилди.

Карвонсаройлар лойиҳаларида шарқона қадрият ҳамда анъаналар эътиборга олиниган. Катта ҳовли атрофига ҳунармандларнинг дўконлари жойлаштирилади. Йўловчилар бу ердаги ҳаммом, чойхона, ошхона, ётоқхона, техника хизматидан баҳраманд бўладилар.

КЎПЧИЛИККА МАНЗУР

● **Абу Райҳон Беруний номли Самарқанд мактабгача тарбия билим юрти ташкил топганига 30 йил тўлди. Дастлабки йили атиги 60 йигит-қиз ўқиган бу масканни бугунгача 10 минг нафар киши битириб чиқди. Ҳозир бу ерда мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ва мусиқа ўқитувчилари тайёрланмоқда.**

— Замонавий ўқув биноси, спорт зали, ошхона ва ётоқхонада талабаларнинг ўқиб яшаши учун барча шароитлар яратилган, — дейди билим юрти директори Светлана Шокирбекова. — Кичик телевидение, радиоузел, лингафон ва бошқа замонавий ўқув-техника воситаларига эгамиз. Дарслар ўзбек, рус ва тожик тилида олиб борилади. Жорий ўқув йилида мингдан зиёд йигит-қиз таҳсил кўраётир. Муаллимлардан 13 нафари халқ таълими аълочиси. Айниқса Р. Шерметовская, М. Муборакова, Э. Аллаев, А. Бектошеваларнинг билим бериш усуллари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ф. ТОШЕВ.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фельетон

ДАРД УСТИГА ЧИПҚОН

«Камбағалнинг уйи куйса, куйсин, ҳўкизи йўқолмасин», — деб дуо қилган эди бурунги замонда аллома ёзувчиларимиздан бири. Мустажо бўлмади. Ўғрилик беш баттар кўпайди. Ҳали бировнинг тўрқовоқдаги сайроқи беданаси, ҳали автомашинаси ғойиб бўлади. Одамлар трамвай-троллейбусларда, ҳатто, кўча-кўйларда кетаётганларида ҳам чўнтакларини маҳкам чангаллаб юрадиган бўлиб қолишди. «Ўғрилар дастидан дод!» — деб бақира олишмайди. Бақиришса, бир уриб юзларини тескари қилиб кетишади. Милиция ходимлари қаёққа қараб туришибди, дейсизми? Кеча-кундуз елиб-югуришяпти. Лекин...

Ҳа, бизнинг дориламон замонимизда ўғрилик «Болакайнинг дўпписи йўқолиб қолди» деганга ўхшаш жўн воқеа бўлиб қолди. Буни кўпчилик, жумладан, Арнасой районидаги Рокоссовский номли совхоз ишчилари — эр-хотин Тўти ва Носирали Жаманқуловлар астойдил тасдиқлашади. Тўти етимлик азобларини тортиб вояга етган бир муштипар аёл. Носирали эса бўш-баёв йигит. Фақат хотининнинг ёнига кириб ишласа, болаларига нон топиб берса, бас!

Эр-хотин — қўш ҳўкиз, дейдилар. Кунларнинг бирида улар пул йиғиб ўғилларининг тўйини қилишга келишиб олишди. Рўзғордан, кийим-кечакдан ўзларини қантариб, 2154 сўм жамғаришди! Аттанг. Қувончлари кўпга чўзилмади. Ўғри уриб кетди. Ўғриларни тутиб қамашди. Улар суд ҳукмида белгиланган муддатни ўтаб, уйларига ҳам қайтишди.

— Пулимиз ўғрилардан ҳали ҳам ундириб берилгани йўқ! — деб зор-зор қақшаб юришибди Жаманқуловлар.

— Ўғрилар жазо муддатини ўтаб юрганларида иш ҳақларидан бир қисми чегириб қолиниб, почта орқали Жаманқуловларга жўнатилган, мана ҳужжати, — дейди Арнасой район қозилик маҳкамасининг раиси А. Муҳаммадиев.

— Олмаганмиз! — рад этишмоқда бу гапни жабрдийдалар.

— Жаманқуловлар номига пул келмаган, — демоқда Чўлқувар алоқа бўлими бошлиғи Сайдулла Жаманқулов.

1989 йилнинг куз ойлари эди, дард устига чипқон бўллиб, Жаманқуловларнинг далада боғловли турган новвоси йўқолиб қолди.

— Войдод! — ўзларини уриб йиғлашди бечоралар. — Арнасойда биздан бошқа одам йўқ эканми, фақат бизларни кўрадими яшшамагур ўғрилар!

Сарсон-саргардонлик билан кунлар, ойлар ўтди. Новвоснинг ўзи бир ёқда турсин изи ҳам топилмади. Жаманқуловлар йиғи-сиғини бас қилишдида: «Еган кишига ош бўлмасин», — деб қўя қолишди.

Жаманқуловлар яна тирикчилик кўчасида довдираб, қоқилиб-суқилиб юришаверди. Ойлар, йиллар ўтиб, улар бир эмас тўрт говмуш сигирли бўлишди. Қувончлари Арнасой даштларига сиғмасди. Ҳадемай жониворларнинг ҳаммаси болалайди. Ана ўшанда Жаманқуловларга етадиган киши бўлмай қолади.

Шу йилнинг 27 март куни эди. Ўртанча ўғил Ҳабибулло сигирларни боққани далага ҳайдади. Бола эмасми, бир пайт молларни қаровсиз қолдириб, ўзи қаёққадир ўйнаб кетди. Орадан кўп ўтмай сигирлар Васильевский номли совхоз арпазорига ўзини урди. Ҳайвонда, акс ҳолда улар бундай қилмаган бўлишарди. Негаки, экинларга тушган молларнинг эгаларидан жарима ундириш ҳақида Чўлқувар қишлоқ кенгаши раиси Қобул Ҳамдамов бундан уч кун муқаддам 3/13 рақамли қарор чиқарган эди.

Бу ўткир ҳужжат Васильевский номли совхоз звено бошлиғи Фарҳод Аҳроровга дастак бўлди. Фарҳод полвон арпазорда маза қилиб ўтлаб юрган тўрт сигирни олдига солиб ҳайдаб борди-да, «жиноятчи» жониворлар учун махсус барпо қилинган қамоқхонага қамаб қўйди. Бу ерда бошқа «гуноҳкор» қорамоллар ҳам бор эди.

Лекин, минг афсуски, бошқа бировларнинг эмас, худди шу ерда яна Жаманқуловларнинг бир варакайига тўрт сигири йўқолди. Фарҳод Аҳроров қилгиликни қилиб қўйиб, ҳамиша дўппим чамбарак, деб бамайлихотир юрибди.

Жаманқуловларнинг яна шўрини қуритган ҳужжат ижодкори Қобул Ҳамдамов ҳақида нима дейиш мумкин? У имзо қўйган ўша қоғозда «Ушбу қарорнинг бажарилиши ва уни назорат қилиб бориш халқ депутатлари Чўлқувар қишлоқ кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўртоқ Қ. Ҳамдамовнинг зиммасига юклатилсин» деб ёзиб қўйилган эди. Тўрт сигирнинг йўқолиши ва саккиз ойдан буён топилмаётгани қарорнинг ижроси бўлса керак-да?!

Қобул Ҳамдамов ариза ёзиб ишдан бўшаб кетди. Наҳотки, у шу билан домдараксиз йўқ бўлган тўрт сигир машмашасидан озод этилса?!

Қаранг, Тўти ва Носирали Жаманқуловлар уйда бир-бирларига қараганларича мўлтираб йиғлаб ўтиришибди. Бева-бечораларнинг кучи фақат шунга етади-да!

Ярим кечада шу мотамнамани хатга тушираётганимда Арнасойдан бир нидо келди. У Тўти Жаманқулованинг ўтли фарёди эди. Эшитинг, муштипар она нималар демоқда:

— Мен шу пайтгача ҳақиқат қарор топишига ва унинг рўёбга чиқишига, тўрт фарзандинг онаси сифатида ишониб, юқори ташкилотларга мурожаат этиб келдим. 1984 йилдан буён арз қилмаган маҳкамам қолмади. Лекин бир хил жавоб ва сукунат! Ахири ҳақиқатни рўёбга чиқаради, деб жумҳуриятнинг рўзномаларига мурожаат этган эдим. Афсус, хўроз ҳамма жойда бир хил қичқирар экан. Аллоҳ таоло ҳамма инсонни битта тупроқдан яратган. Лекин сен ўғри, сен қасамхўр, сен муттаҳам, сен худбин, сен ғаламис бўласан, деб яратмаган. Мен энди Арнасой район раҳбарларига ишонмайман.

Ахир, мен ҳам инсонман, жоним пўлатдан эмас. Шоир ёзганидек,

Бу сўзни гўши бор одам эшитсин,
Ўзида хуши бор одам эшитсин!

Усмон ЮСУПОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ МЕЪМОРЛИК—ҚУРИЛИШ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

Ангрен ва Урганч куллиётларига 1991—92 ўқув йили учун сиртқи таълимнинг I курсларига қуйидаги ихтисослар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ангрен куллиёти бўйича:

2601 — Ўрмон муҳандислиги иши.
2903 — Саноат ва фуқаро қурилиши.
2908 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза этиш.

Урганч куллиёти бўйича:

2904 — Гидротехника қурилиши.
2906 — Қурилиш буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш.
2909 — Сув билан таъминлаш, канализация, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ:

1. Тошкент меъморлик-қурилиш олий билимгоҳининг Ангрен ва Урганч куллиётларига талабаларни қабул қилиш олий ўқув юртларида ўқиш учун пухта тайёрланган ёшлардан танлов асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаётган шахслар қабул қилинади.
2. Кирувчилардан аризалар Ангрен ва Урганч шаҳарларида 10 ноябрдан 10 декабргача қабул қилинади.
3. Қабул комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйҳати: ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; 086/У шаклдаги тиббиёт маълумотномаси; 3x4 ўлчамли 6 та фотосурат; паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжати шахсан кўрсатилади; меҳнат дафтарчасидан кўчирма; иш жойидан маълумотнома.
4. Кириш имтиҳонлари 1991 йил 10 декабрдан 21 декабрга қадар, номзодларни талабаликка ўтказиш 1991 йил 25 декабрга қадар куллиётларда ўтказилади.

Дарслар 1991 йил 26 декабрда бошланади.

Сиртқи таълимга ўқишга қабул қилиш қуйидаги тартибда ўтказилади.

1. Суҳбат натижалари бўйича қабул қилинадиганлар:

а) маҳаллий тиббиёт органларининг тавсияномаси асосида қабул комиссияси томонидан танлангаан мутахассислиги бўйича ўқиш ва сўнг ишлаш имконияти аниқланган I ваII гуруҳ ногиронлари;

б) ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлик ҳақидаги ҳужжатга эга бўлганлар;

в) олий ўқув юртида танлаган мутахассислиги мавжуд ўрта махсус таълимига мос бўлган ва шу мутахассислик бўйича ишлаётган меҳнат фаолияти 1 йилдан кам бўлмаган шахслар.

II. Ихтисосига оид битта кириш имтиҳонини (математикадан ёзма) «аълога» топшириш матижасида қабул қилинадиганлар:

а) Меҳнат фаолияти 1 йилдан кам бўлмаган ёки охирги 3 йил давомида ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатилганлар қаторидаги мактабни олтин (кумуш) медаль билан тугатган шахслар;

б) ўрта махсус ўқув юртларини ва ҳунар-техника билим юртларини, олий ўқув юртининг ихтисоси бўйича имтиёзли диплом билан тугатган шахслар;

в) ўрта таълим базасида ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатган ва ўқув юртининг ихтисоси бўйича ишлаётган меҳнат фаолияти 1 йилдан кам бўлмаган шахслар.

II бандда кўрсатилган шахслар «4» ёки «3» баҳо олган тақдирда қолган ҳамма белгиланган имтиҳонларни топширадилар.

III. Умумий конкурс бўйича қабул қилинадиганлар — кириш имтиҳонларида тўпланган баллар миқдори асосида.

Тошкент меъморлик — қурилиш олий билимгоҳига кириш учун 3 та фандан ёзма имтиҳон топширилиши белгиланган. Улардан иккитаси (математика ва физика) соҳага оид (танловли бўлиб) беш балли тизимда баҳоланади, учинчи имтиҳон ўзбек в рус тилидан диктант шаклида ўтказилади ва 2 балли «ўтди» ва «ўтмади» тизимида баҳоланади.

Қабул қилишда танлов баллари тенг бўлган тақдирда: охирги 3 йил давомида заҳирага бўшатилган, танлаган мутахассислиги бўйича ишлаётган меҳнат фаолияти 1 йилдан кам бўлмаган, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртларини тугатиб, турдош мутахассисликларга кираётган, кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган шахсларга устунлик ҳуқуқи берилади.

IV. Барча кириш имтиҳонлари ўрта умумтаълим мактабларнинг ўқув дастурлари билан мувофиқлаштирилган дастурлар асосида ўтказилади.

Қабул ҳайъатининг манзилгоҳлари:

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Чикризов кўчаси, 17-уй, политехникум.

Хоразм вилояти Урганч шаҳри, Урганч гидромелиорация техникуми.

Тошкент шаҳрида маълумотлар олиш учун телефон: 41-13-62.

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЕ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИГА

Самарқанд шаҳрида ишлаш учун алоқа ускуналарининг монтажчилари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, хизмат сафари ҳаражатлари тўланади.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Қирқиз кўчаси, 10-уй.

Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультети жамоаси телевидение ва радиоэшиттириш кафедрасининг доценти А. Абдураҳмоновга онаси

АНЗИРАТ ОТИН ҲАЙДАР ҚИЗИнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жумҳурият «Ўзхлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси пахта саноатининг мутахассисларидан бири, Учқўрғон пахта заводининг бош муҳандиси

Тожиддин ЖАББОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

I ва II Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳлари жамоалари I Тошкент давлат тиббиёт олий билимгоҳининг проректори, профессор Қ. Н. Нажмутдинова онаси

Тоҳира ФОЗИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Қомуслар Бош таҳририяти жамоаси илмий-услубият ишлари бўлими мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими М. Н. Аминова отаси

Неъмат АМИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безак — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 6281.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 22.00.
№ 218.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.